



**“Ўзагросуғурта” АЖнинг
2026 йил учун**

БИЗНЕС РЕЖАСИ

Тошкент 2025

Мундарижа

Кириш.....	3-бет
I. Суғурта фаолияти.....	4-бет
II. Жамиятда трансформация ва IPO жараёни.....	6-бет
III. Маркетинг ва стратегик ривожланиш фаолиятида.....	8-бет
IV. Инвестиция фаолияти.....	9-бет
V. Кадрлар сиёсати.....	10-бет
V. Суғурта фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш.....	13-бет
VI. Қайта суғурталаш фаолияти.....	14-бет

**“Ўзагросуғурта” АЖни молиявий соғломлаштириш,
операцион самарадорликни ошириш ҳамда
2026 йил учун**

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

Кириш

Мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни инобатга олган ҳолда суғурта соҳасини барқарор ривожлантириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларни суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш, бунинг учун соҳада олиб борилаётган янгича давлат сиёсатига мослашиш ҳамда инновацион лойиҳаларни соҳага кенг жалб қилган ҳолда суғурта хизматларининг таннархини оптималлаштириш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди ҳамда анъанавий равишда “Ўзагросуғурта” АЖни янада ривожлантиришнинг жорий истиқболдаги, яъни 2026–йил учун мўлжалланган бизнес-режаси (кейинги ўринларда—бизнес-режа) ушбу вазифаларни қамраб олган ҳолда ишлаб чиқилди.

Мазкур бизнес-режанинг асосий мақсади “Ўзагросуғурта” АЖнинг маҳаллий ва хорижий бозорда рақобатбардошлигини ошириш, ички ва халқаро суғурта бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаш, суғурта соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олади:

- Суғурта фаолиятини бошқаришнинг замонавий усуллари жорий этиш.

Кўрсатилаётган суғурта хизматлари қамровини ошириш ва сифатини яхшилаш, Иқтисодиётнинг барча тармоқларида, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларига сифатли суғурта хизматларини кўрсатилишининг, табиий офатлар натижасида кўриладиган зарарларни қопланишини таъминлаш борасидаги мақсад ва вазифалар, устуворликлари ва уни ривожлантириш босқичларини белгилаш ва ушбу соҳада дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

“Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 мартдаги ПҚ-108-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»да 2026 йил учун белгиланган тадбирларни амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармонида 2026 йил учун белгиланган мақсадларни ижросини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025-йил 15-майдаги ПҚ-183-сон қарорига асосан 2026 йил давомида болалар учун мўлжалланган контентлар яратишни қўшимча молиялаштириш.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 5 декабрдаги “Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида кўрсатилаётган суғурта хизматларини рақамлаштириш, шаффофлигини таъминлаш, суғурта даъволарини онлайн тарзида кўриб чиқиш орқали мижозларга қулайликлар яратиш юзасидан тезкор вазифаларни амалга оширишдан иборат.

“Ўзагросуғурта” АЖнинг ривожланиши мазкур Бизнес-режанинг 1-иловасида белгиланган асосий кўрсаткичлар ва индикаторларга эришишга асосланади.

I. Суғурта фаолияти

Жамиятнинг **2026 йил** суғурта фаолиятини ривожлантириш учун муҳим йўналишлар аниқ белгилаб олинди. Суғурта фаолиятининг янги босқичида мижозга йўналтирилган, замонавий ва янги усуллардан фойдаланган ҳолда сифатли хизмат кўрсатишни жорий этиш асосий устувор мақсад қилиб белгиланади. Мазкур мақсадга эришиш учун қуйидаги йўналишлар бўйича ишлар амалга оширилади:

- Умумий суғурта маҳсулотларини такомиллаштириш ва соддалаштириш;
- Суғурта хизматларини кўрсатишнинг янги усулларида фойдаланган ҳолда сотув жараёнини ривожлантириш ва хизмат сифатини яхшилаш;
- Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда суғурта хизматлари кўрсатилишини рақамлаштириш йўналишида ишларни жадаллаштириш;
- Амалдаги мажбурий суғурта турлари бўйича кўрсатилаётган суғурта хизматларини такомиллаштириш.

Юқоридаги йўналишлар доирасида 2026 - йилда Жамиятнинг ихтиёрий суғурта соҳасида амалга оширилиши режалаштирилаётган устувор вазифалар:

- Жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва саломатлиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки ҳамда фаолияти билан боғлиқ хатарлардан суғурта қилишнинг комплекс турларини ишлаб чиқиш, алоҳида ҳолатларда микросуғурталашни амалиётга тадбиқ этиш;
- бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, суғурта маҳсулотларини халқаро стандартлар ва ҳозирги замон талаблари асосида такомиллаштириш мақсадида мавжуд суғурта турлари ва суғурта полисларини қайта кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш, зарур ҳолларда қоидалар ва шартларга ўзгартириш киритиш;
- суғурта маҳсулотларининг турлари ва оммавийлигидан келиб чиқиб суғурта тарифларини қайта кўриб чиқиш;
- корпоратив мижозлар кўламини ошириш бўйича ишларни ташкил этиш;

- суғурта шартномалари тузилиши жараёнида андеррайтинг ролини ошириш.

Мажбурий суғурта турлари бўйича кўрсатилаётган суғурта хизматларини такомиллаштириш йўналишида:

Мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта қамровини ошириш ва Жамиятнинг бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида 2026 йил давомида Жамият томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

- Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси билан биргаликда 2026 йилда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича ягона ахборот тизими негизида барча мажбурий суғурта полисларини рўйхатга олувчи ва уларнинг айланмасини назорат қилувчи автоматлаштирилган Ягона ахборот тизимини Жамиятнинг тизимида такомиллаштириш;

- барча мажбурий суғурта шартномаларни онлайн Е-полис орқали расмийлаштириш ва ҳисобини юритишни янада такомиллаштириш;

- ходимлар ва агентлар малакасини оширишга қаратилган семинарлар ўтказиш, шунингдек суғурта қоидалари шартларини мижозларга тушунтириш ишларида сунъий интелект дастурларидан кенг фойдаланиш;

- агентлик шаҳобчаларини кўпайтириш.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси (ТВЭФЖМС)

-“Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 мартдаги ПҚ-108-сон қарори ижросини таминлаш юзасидан барча ихтиёрий ва мажбурий турлари бўйича суғурта полисларини қоғоз бланкаларда расмийлаштириш амалиёти бекор қилиниши муносабати билан 2026 йилда электрон Е-полис сотиш тизимини янада такомиллаштириш.

Маълумки, Республиканинг айрим ҳудудларида ТВЭФЖМС бўйича улуши ўртача миқдордан паст бўлиб қолмоқда. Мазкур ҳудудлардаги ишларни такомиллаштириш ва суғурта қамровини ошириш бўйича тарғибот ишлари олиб борилади.

2026 йилда ТВЭФЖМС бўйича электрон Е-полисни расмийлаштиришда биллинг тизими ишга туширилади, шу билан бирга амалдаги қонунчилик ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар бериб борилади.

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси (ИБФЖМСҚ)

Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш. ИБФЖМСҚ суғурта туридан Жамият Ягона ахборот тизимини Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги базаси билан тўловларни кафолатлаш жамғармаси орқали интеграциялаш. Тижорат

таклифлари йўллаш ва/ёки Е-тендерларда иштирок этиш орқали республикадаги йирик иш берувчилар билан шартномалар имзолаш.

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш.

Ушбу суғурта тури бўйича қўйилган мақсадга эришиш ва бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида 2026 йил давомида Жамият томонидан қуйидагилар амалга оширилади:

- Республикадаги мавжуд йирик мижозларни аниқлаш ва йўловчиларни ташиш билан шуғулланувчи юридик шахслар ҳамкорлик шартномаларини имзолаш;

- Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ташувчининг мажбурий фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни янада ривожлантириш ва тўлиқ даражада қамраб олиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва масъул ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Хавфли ишлаб чиқариш объектларини мажбурий суғурта қилиш

Ўзбекистон Республикаси Давлат саноат хавфсизлиги қўмитаси билан ҳамкорликда ҳудудлардаги давлат реестрлари бўйича рўйхатдан ўтган хавфли ишлаб чиқариш объектлари ҳисоби асосида хавфли ишлаб чиқариш объектида авария юз берган ҳолда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига ҳамда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун жавобгарлик қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда мажбурий суғурта шартномаларини тузишни ташкил этиш.

Суғурта хизматларини кўрсатишнинг янги усулларида фойдаланган ҳолда сотув жараёнини ривожлантириш ва хизмат сифатини яхшилаш йўналишида:

- Жамият расмий веб-сайтини мобил қурилмаларга мослаштириш, мижозлар учун қулай ва содда онлайн суғурта полислари хариди жараёнини ишлаб чиқиш;

- Аҳоли гавжум бўладиган жойлар, ижтимоий ва савдо объектларида онлайн полис сотиб олишга йўналтирувчи QR-код ўрнатиш;

- Тезкор почталар билан ҳамкорлик қилиш, ушбу ташкилотлар билан суғурта агенти хизмати бўйича шартнома имзолаш ва жамият суғурта хизматларини тарғиб қилиш;

- Банк-суғурта йўналишини ривожлантириш, банклар орқали суғурта полисларини сотиш турларини кўпайтириш;

- Суғурта шартномаларини тузиш жараёнида хизматлар тақдим этилгунга қадар ва тақдим этилгандан кейинги даврларда ҳам мижозлар билан доимий алоқани сақлаш механизмини жорий қилиш;

- Жамиятнинг мижозлар билан тўғридан-тўғри алоқага кирувчи “фронт офис” ходимларини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ҳамда суғурта фаолиятидаги билимларини янада мустаҳкамлаш, уларга янги

сотиш усулларини ўргатиш, мижозларга хизмат кўрсатиш этикасини янада юқори даражага олиб чиқиш;

- Мижозларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш мақсадида халқаро тажрибани ўрганиш ва Жамият фаолиятига тадбиқ этиш мақсадида халқаро семинар ва форумларда иштирок этиш;

- Амалиётга жорий этилган “Европротокол” тамойили асосида даъволарни кўриб чиқишда суғурта килдирувчиларга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида содир бўлган ЙТХ бўйича воқеа жойига компаниянинг ишончли вакиллари (аджастер) жалб қилиш ва ИИБ ЙХХБ ходимлари аралашувисиз ЙТХ ҳужжатларни расмийлаштириш тизимини янада ривожлантириш;

- суғурта хизматларини кўрсатишнинг хорижий тажрибага асосланган янги замонавий усулларини жорий қилиш.

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда суғурта хизматлари кўрсатилишини рақамлаштириш йўналишида:

- Жамиятнинг мобил иловаси орқали сотиладиган суғурта маҳсулотлари турларини кенгайтириш. Мазкур тизим орқали жисмоний шахслар билан бир қаторда юридик шахслар томонидан ҳам суғурта полисларини ҳарид қилиш имкониятларини кенгайтириш;

- Электрон тўлов тизимлари (Click, Payme ва бошқалар) билан суғурта полисларини сотишнинг янгича усулларини ишлаб чиқиш;

- Жамият тизимида амалда бўлган оммавий суғурта турлари бўйича суғурта полисларини сотиш жараёнида Billing-тизимини киритиш;

- “Uzagrosonline-2” ягона электрон ахборот тизимини тўлиқ модернизация қилиш, доимий равишда такомиллаштириш; суғурта портфели маълумотлари сифатини назорат қилиш ва уларни қайта ишлаш орқали суғурта шартномалари даврийлигини таъминлаш.

Мижозларга суғурта товонларини тўлаш жарарёнини тезкорлигини таъминлаш мақсадида суғурта даъволарини кўриб чиқиш жараёнини инновацион тизимини жорий этиш йўналишида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 5 декабрдаги “Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Суғурта тўловларини кафолатлаш жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган ягона мобил илова орқали бошқа мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта даъволарига оид аризалар онлайн кўриб чиқилиши хизматларини рақамлаштириш, шаффофлигини таъминлаш, суғурта даъволарини онлайн тарзида юборилишини ва кўриб чиқилишини такомиллаштириш;

- Ягона мобил илова орқали шакллантирилган маълумотлар базаси орқали тўлаб берилган суғурта товони маълумотлари юзасидан мониторинг ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

- Суғурта даъволарини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш ва ушбу жараёни тезкорлигини таъминлаш орқали мижозларга қулайликлар яратиш.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларига суғурта хизматлари кўрсатишнинг янги механизмини яратиш йўналишида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 5 декабрдаги “Электрон турдаги суғурта хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида” ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этиш;

Хорижий компанияларни жалб этган ҳолда, синов тариқасида Фарғона водийсида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни суғурталаш бўйича пилот лойиҳани амалга оширишда иштирок этиш;

Суғурта объектининг ҳудуди, табиий ва иқлим шароитини, мавжуд хатарлар ҳамда маҳсулот турини инобатга олган ҳолда суғурта тарифларини белгилашни ҳамда қишлоқ хўжалиги субъектлари томонидан етиштириладиган бўлғуси ҳосилни суғурталаш амалиётини кенг жорий этиш;

Бўлғуси ҳосил суғурта полиси ёки ҳосилни гаров таъминоти сифатида қабул қилиш тартибини Жамият тизимида татбиқ этиш.

II. Жамиятда трансформация жараёни

Жамиятда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислохотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгроқ имкониятлар яратиш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли фармонига асосан “Ўзагросуғурта” АЖ трансформация қилинадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган.

Трансформация жараёнида Жамият томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган бўлиб, 2026 йил давомида ҳам бажариладиган вазифалар белгиланган. Хусусан,

1. Жамиятда ребрендингни амалга ошириш ва унинг янги номини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, бунда барча филиаллари ва марказлари ташқи кўриниши янгилаш, оммавий ахборот воситаларида Жамиятнинг янги номини кенг тарғиб қилиш, билборд ва экранларда визуал реклама жойлаштириш, интернет, ижтимоий саҳифаларда мақсадли ва контентли реклама жойлаштириш, SEO тизимини йўлга қўйиш, ребрендинг бўлганлигини тарғиб қилувчи кўрсатувлар, видеороликлар тайёрлаш;

2. Жамиятнинг халқаро бозорида молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида Устав капиталини қўшимча акциялар чиқариш орқали ошириш;

3. 2025 йил учун молиявий ҳисоботларни халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (IFRS) асосида тайёрлаш ҳамда халқаро аудит ҳулосаси олиш;

4. Жамиятнинг халқаро бозордаги мавқеини ошириш учун халқаро рейтинг агентлиги томонидан бериладиган халқаро рейтинг даражасини олиш;

5. Жамиятда таннархни пасайтириш мақсадида электрон полислар сотувини жадаллаштириш;

6. Жамиятда “мувофиқлик тизими” (комплаенс) ва коррупцияга қарши курашишга оид фаолиятни ривожлантириш;

7. Жамият тизимида “Uzagros_Online-2” ягона электрон ахборот тизимини модернизация қилиш;

8. Жамият тизимида самарасиз ҳамда асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган активларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда сотиш чораларини кўриш. Бўшаган пул маблағларини рентабеллик ва ликвидлилик даражаси юқори бўлган активларга йўналтириш;

9. “Агрос Ҳаёт” СК МЧЖнинг фаолиятини ривожлантириш ва суғурта мукофотлари тушумини кўпайтириш.

III. Жамиятни 2026 йилда стратегик ривожлантириш

2026 йил учун муҳим мақсадлар белгиланган бўлиб, 2026 йилда куйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим.

1. Тизимни рақамлаштириш бўйича, электрон суғурта маҳсулотларини кўпайтириш;

2. Фаолиятни ривожлантириш бўйича, суғурта мукофотлари ҳажмини 623 млрд сўмга, янги суғурта маҳсулотлари сонини 8 тага етказиш;

3. Фаолиятнинг самарадорлиги бўйича, соф фойда кўрсаткичларини 35,7 млрд сўмга, активларнинг рентабеллигини 8 фоизга, капиталнинг рентабеллигини 30 фоизга етказиш;

4. Мижозларга кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини, яъни NPS индекси 20 фоизга етказиш.

IV. Инвестиция фаолияти

Маълумки, Жамиятнинг инвестиция портфели сифати – тўлов қобилиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, Жамият маблағларининг етарли ҳажми мавжудлиги унинг тўлов қобилияти ошишини ҳамда фаолият барқарорлигини таъминлайди. Мазкур кўрсаткичларга эришиш учун Жамият суғурта захираларидаги маблағларни тўғри ва фойдали инвестицияга йўналтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунда, Жамият ихтиёрида мажбуриятлардан ташқари маълум муддатга суғурта захираларида мавжуд бўлган вақтинча бўш пул маблағларини

кўшимча фойда олиш мақсадида инвестиция қилиш тушунилади.

2025-йилда Жамият ўз инвестициявий фаолиятини айти кунда молия бозорида даромадлиги юқори бўлган банк секторида олиб бориб, депозитлари ва облигация даромадлиги ўртача йиллик 19-20 фоизни ташкил қилди.

Жамиятни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида инвестиция портфелидаги даромади паст бўлган қимматли қоғозларни белгиланган тартибда сотиш, уларни сотувдан олинган маблағларни бошқа юқори даромадли инвестицияларга йўналтириш орқали Жамиятнинг депозит портфелини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Даромади паст бўлган акцияларни сотувга чиқариш вазифаси Жамиятнинг 2025-йил учун белгиланган Бизнес-режасида кўзда тутилган эди. Аммо, бугунги кунга қадар Жамият инвестиция портфелидаги аксарият акцияларнинг нархи уларнинг номинал қийматидан паст қийматда бўлди. Шу сабабли ушбу акциялар сотувга чиқарилмаган.

Жамиятнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида “Ўзагросуғурта” АЖ ўз активларини “Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестицион фаолияти тўғрисида”ги Низомига биноан жойлаштиради.

2026-йилда Жамият ўз инвестиция сиёсатини асосан тижорат банкларининг муддатли депозитлари ҳамда бошқа даромадли инвестицияларга йўналтиришни режалаштирган.

Жамиятнинг инвестицион фаолияти рентабеллигининг прогноз кўрсаткичлари ҳисоб-китобига кўра банк депозитларига инвестициялар ҳажмининг кўпайиши ҳисобига даромадлар ўсиши прогноз қилинмоқда. Ушбу тенденция келгуси йилларда ҳам долзарб бўлиши кутилмоқда.

Шунингдек, 2026-йилда Жамият ўз маблағларини тижорат банкларидаги муддатли депозитлари билан биргаликда мамлакатимизда чиқариладиган юқори даромадли облигациялар ҳамда тижорат банкларидаги хорижий валютадаги муддатли депозитларга инвестиция қилиш режалаштирилган.

Хусусан, тижорат банкларидаги депозит маблағлари ҳажмини **90,0 млрд сўмга** етказиш режалаштирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамиятнинг фаолият кўламини кенгайтиришга, шунингдек, инвестиция портфелини диверсификация қилиш йўли билан инвестиция фаолияти ва инвестиция сиёсатига катта эътибор қаратилади.

V. Кадрлар сиёсати йўналиши

Бугунги кунда, Жамият тизимида **718,25 та штат бирлиги** мавжуд бўлиб, жами ишлаётган **ходимлар сони 412 нафарни** (*техник ходимлардан ташқари*) ташкил этади, шундан **296 нафари** (*71,8 фоизи*) **олий маълумотли.** Уларнинг 25 нафари суғурта (*6 фоизи*), 157 нафари (*38,1 фоизи*) молия,

иқтисодиёт ва солиқ ҳамда 114 нафари (27 *фоиизи*) бошқа соҳа мутахассисликларига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон қарорига мувофиқ Жамият тизимда самарали фаолият юритаётган истикболли ўрта ва ёки ўрта махсус маълумотига эга бўлган кадрларни мамлакатдаги олий таълим муассасасаларининг “Суғурта иши” таълим йўналишида ўқитиш мақсадида:

2026- ўқув йилида 25 нафар ходимни ўқитиш орқали келгусида Жамият тизимида “Суғурта иши” мутахассислиги бўйича **олий маълумотли кадрлар сонини 50 нафарга (12 *фоиизи*) ошириш** кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, 2025-2026 ўқув йилида 25 нафар ходимни ўқитиш орқали келгусида Жамият тизимида “Суғурта иши” мутахассислиги бўйича **олий маълумотли кадрлар сонини 90 нафарга (17 *фоиизи*) ошириш** кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, 202-йилда 14 нафар ҳамда 2025-йилда 21 нафари Чехия Республикасида, шунингдек, 11 нафар Бошқарув ва ҳудудий филиалнинг аёл ходимлари Туркия давлатида Суғурта йўналишида ўқув-амалий курсни тамомладилар.

2026-йилда Жамият ходимларини хориж давлатларида ўқитиш кўзда тутилган.

Жамиятдаги ходимларни билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида 2026-йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида 45 нафар раҳбар ходимларни ўқитиш режалаштирилган.

Шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан тузилган меморандумга асосан 2025-йилда 25 нафар ходим молия йўналишида малака ошириш курсида таҳсил олган бўлиб, 2026-йилда 50 нафар ходим малакасини ошириш кўзда тутилган.

2026 йил давомида инглиз тилини ўрганиш ва малакасини ошириш истагини билдирган 30 нафар ходим учун ҳар ҳафтада камида икки маротаба ўқув машғулоти ташкил этилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, **тизимда салоҳиятли кадрларни сақлаб қолиш, кадрларни тайёрлаш, “Устоз – шогирд” анъанасини йўлга қўйиш, малакали кадрларни жалб қилиш** бўйича қуйидаги **3 та** йўналиш бўйича вазифаларни **устувор вазифа** сифатида белгилаш таклиф этилмоқда:

1. Жамиятда фаолият юритаётган мавжуд салоҳиятли кадрларни сақлаб қолиб, рақобатбардошлигини ошириш ва рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;

2. Жамият тизими учун малакали ва етук кадрларни тайёрлаш ҳамда “Устоз-шогирд” анъанасини йўлга қўйиш тизимини такомиллаштириш.

3. Жамиятга малакали шу жумладан, ёш, билимли ва истикболли кадрларни жалб қилиш.

Кадрлар тайёрлаш дастурига мувофиқ устувор вазифаларни амалга ошириш қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

1. Жамиятда фаолият юритаётган мавжуд салоҳиятли кадрларни сақлаб қолиб, рақобатбардошлигини ошириш ва рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш бўйича:

1.1. Жамият филиаллари шу жумладан, суғурта марказлари фаолият кўрсаткичларига қараб иш ҳақи фондиди белгилашнинг янги усулини жорий этиш.

Бунда, ҳудудий филиаллар ва суғурта марказлари фаолият кўрсаткичлари бўйича **“Рейтинг баҳолаш”** тизими жорий қилиниб, баҳолаш якунларидан келиб чиққан ҳолда ходимга иш ҳақи ва устама белгиланади.

1.2. Жамиятда самарали фаолият юритаётган ходимларни ижтимоий рағбатлантириш **“Ижтимоий қўллаб-қувватлаш”** пакетини жорий этиш.

Бунда, тизимда самарали фаолият юритаётган хохлўвчи ходимлар учун тижорат банклари билан ўзаро келишув орқали ипотека кредити ва/ёки истеъмол кредитларини ажратиб бориш лойиҳаси амалга оширилади.

1.3. Жамият ходимларининг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва **чет элда стажировка** ўташини таъминлаш.

Бунда, истиқболли ва фаолият йўналишида натижадорликка эришаётган ходимларни чет элга стажировка ўташлари таъминланади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўқитилади.

1.4. Жамият ходимларининг **фаолият самарадорлигини (KPI) онлайн баҳолаш** тизимини жорий этилади.

Бунда, Жамият тизимидаги барча масъул ходимларнинг фаолият соҳаси йўналишидан келиб чиқиб, ходимнинг иш самарадорлиги баҳоланади ва якунлари бўйича моддий рағбатлантирилади.

2. Жамият тизими учун малакали ва етук кадрларни тайёрлаш ҳамда “Устоз – шогирд” анъанасини йўлга қўйиш.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ–4412-сонли қарорига мувофиқ, Жамият тизимида самарали фаолият юритаётган истиқболли ўрта ва/ёки ўрта махсус маълумотига эга бўлган кадрларни **олий таълим муассасасаларининг “Суғурта иши” таълим йўналишида ўқитиш.**

Бунда, 2023-2024 ўқув йилида 15 нафар ходим олий ўқув юртига тавсия этилган бўлиб, 2025-2026 ўқув йилидан бу кўрсаткич икки баробарга ёки 30 нафар ходим ўқитиш кўзда тутилган.

2.2. Тажрибали ходимлар билан ёш мутахассислар шу жумладан, стажировка ва амалиёт ўтаётган кадрлар ўртасида **“Устоз – шогирд” анъанасини йўлга қўйиш.**

Бунда, ҳар бир раҳбар ходим учун ҳар 6 ойда 1 нафар ёш мутахассислар бириктирилади. Ҳар бир раҳбар ходим Жамият учун ҳар йили 2 нафар тажрибали ходимни тайёрлайди.

2.3. Суғурта, молия, банк, иқтисодиёт йўналишларига ихтисослашган олий ўқув юртлари битирувчиларининг малакавий иши ҳимоясида ҳамда **“Карьера кунлари”**да мунтазам иштирок этишни таъминлаш.

Бунда, соҳага ихтисослашган олий ўқув юртлари битирувчи босқич талабаларининг битирув малакавий ишини қабул қилувчи комиссия таркибида ҳамда ОЎЮ томонидан ташкил этилиб келинаётган “Карьера кунлари”да иштирок этиб, билимли мутахассислар Жамиятга жалб қилинади.

3. Жамиятга етук, истиқболли мутахассисларини танлаш ва жалб қилиш (Headhunting).

Мутахассисларни жалб қилишда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш:

- ходимнинг иш ҳақи фонди ва “Ижтимоий қўллаб-қувватлаш” пакетини бозор иқтисодиёти шароитида жозибадорлигини таъминлаш;
- ходимнинг келгусидаги карьера ва истиқболдаги муваффақиятини кафолатлаш;
- статусга эга лавозимга тайинлаш;
- лавозимга мос ваколат, мажбурият ва масъулият бериш.

VI. Суғурта фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармони билан тасдиқланган “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини амалга ошириш ҳамда “Ўзагросуғурта” АЖ фаолияти ахборот технологияларини кенг жорий этишга қаратилган қуйидаги лойиҳаларни бажариш кўзда тутилган:

1. “Ўзагросуғурта” АЖнинг расмий веб сайти – <http://agros.uz> негизида яратилган “Онлайн полис” платформасида суғурта полислар сонини янада кенгайтириш.

2. “Онлайн полис” платформасини мобиль қурилмаларга мослаштирилган шаклини ишлаб чиқиш;

3. “Онлайн полис” платформасини турларини “Uzagrosonline-2” ягона электрон ахборот тизимига интеграция қилиш;

4. “Онлайн полис” платформасини тижорат банклари мобил иловаларига интеграция қилиш бўйича APIлар ишлаб чиқиш;

5. Тижорат банклари ахборот тизимларини “Uzagrosonline-2” ягона электрон ахборот тизимига интеграция қилиш;

6. “Uzagrosonline-2” ягона электрон ахборот тизимида яратилган “Божхона” модулини модернизация қилиш;

7. “Ўзагросуғурта” АЖ томонидан масофадан туриб кўрсатилаётган хизматларни узлуксизлигини таъминлаш мақсадида замонавий сервер, “Маълумотларни сақлаш тизим”ларини харид қилиш, “Uzagrosonline-2” ягона электрон ахборот тизими ҳамда <http://agros.uz> расмий веб сайти ва бошқа ахборот тизимларини серверга кўчириш ва уни “UZINFOCOM” ягона интеграторининг “Data center”ига жойлаштириш.

VII. Қайта суғурталаш фаолияти

“Ўзагросуғурта” АЖ Ўзбекистон Республикаси суғурта бозори халқаро рейтингга эга кам сонли компаниялардан биридир. “Moody's Ratings” халқаро рейтинг агентлиги томонидан 2025 йил “Ўзагросуғурта” АЖ га “Ваз” Барқарор рейтингни берилган.

Суғурта бозорида ушбу мавқени сақлаб туриш ва бу кўрсаткични янада яхшилашнинг асосий омилларидан бири бу мақбул (оптимал) ташкил этилган қайта суғурталаш механизми ҳисобланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб “Ўзагросуғурта” АЖ республика суғурта бозорининг барча иштирокчилари ва бир қатор хорижий халқаро қайта суғурталаш брокерлари ва суғурта компаниялари билан қайта суғурта доирасида шартномалар имзолаган.

Хусусан, Жамиятнинг ҳозирда қуйидаги хорижий суғурта, қайта суғурта ташкилотлари ва брокерлар билан шартномалари мавжуд:

- “Hannover Re” қайта суғурталаш компанияси (Германия);
- “Swiss Re” қайта суғурталаш компанияси (Швецария);
- “PICC P&C” суғурта компанияси, “Kunlun Insurance Brokers Co., Ltd” суғурта брокери (Хитой);
- “PartnerRe” қайта суғурталаш компанияси (Нидерландия);
- “Challenge Group-Insurance Consultants and Brokers Limited” қайта суғурта брокери (Россия);
- Lloyd’s Суғурта бозорининг “Concilium Re” (Direct Insurance London Market Ltd.) суғурта брокери (Лондон, Буюк Британия);
- “АОН” қайта суғурта брокери (Чехия);
- “MOI Insurance Brokers Asia” брокерлик компанияси (Қозғоғистон).

Қайта суғурталаш фаолиятини янада ривожлантириш учун Жамият 2026 йил давомида қуйидагиларни режалаштирмоқда:

Жамият суғурта портфелидаги мавжуд рискларни (қалтисликларни) диверсификациялаш мақсадида дунёнинг етакчи қайта суғурта бозорларининг, жумладан Lloyd’s суғурта бозори (Лондон) қайта суғурта компаниялари билан мавжуд ҳамкорликни кенгайтириб облигатор қайта суғурта дастурларини кўриб чиқиш ва мақбулларини танлаб олган ҳолда облигатор қайта суғурта шартномаларини тузиш;

Халқаро қайта суғурта компаниялари билан учрашувлар ва музокаралар ташкил этиш, қайта суғурталашда ўзаро манфаатли шартлар ишлаб чиқиш йўли билан маҳаллий ва хорижий суғурта, қайта суғурта ва брокерлик ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш;

Жамият устав капиталини кўтариш натижасида қайта суғурта сифимининг ошиши билан кирувчи қайта суғурта мукофотлари ҳажмини ошириш ва қайта суғурта хизматлари сифатини яхшилаш, шу билан биргаликда халқаро рейтингни “А” даражага кўтариш орқали Осиё суғурта бозорига кириб бориш

(Япония, Хитой, Сингапур давлатлари қайта суғурта бозорларига кириш учун “А” дан кам бўлмаган ҳалқаро рейтинг даражаси талаб қилинади);

Қайта суғурталаш ва ҳалқаро муносабатлар Департаменти ходимлари билим даражаларини тизимли ошириб боришга ривожланган давлатлар суғурта бозори иштирокчилари ташкил этаётган конференция, семинарлар, учрашувларда иштирокини таъминлаш ва шу каби суғурта ташкилотларида қисқа муддатли стажировкадан ўтказиш орқали эришиш.

VIII. ЖАМИЯТ БИЗНЕС-РЕЖАСИНИНГ ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Суғурта фаолиятини самарали ташкил этишнинг муҳим йўналишларидан бири режалаштириш бўлиб, қуйидагилар унинг асосий босқичларини белгилайди:

- стратегик режалаштириш - Жамият олдидаги вазифаларни бажаришга қаратилган асосий стратегик ташаббусларни аниқлашга имкон беради;
- бюджет (кўрсаткичлар) - Жамиятнинг даромадлар ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари, опрeатив режалар тимсолида Жамият стратегиясини амалга оширишга ёрдам беради;
- ҳисоботлар - Жамиятнинг молиявий ҳолатини, ташаббускорликни муваффақиятини ва бизнес операцияларининг самарадорлигини баҳолайди;
- таҳлил - заиф томонларни ва яширин имкониятларни аниқлайди.

Бизнес-режа - асосий мақсадларни ақс эттирувчи кенг қамровли ҳужжат бўлиб, акциядорлик жамиятининг ривожланиш стратегиясини ва қабул қилинган қарорларнинг максимал самарадорлигини таъминлайди. Уни ишлаб чиқиш жараёнида менежмент, молиялаштириш, маркетинг, вазифаларни тақсимлаш ва бошқа кўплаб масалалар ҳал қилинади, белгиланган режа кўрсаткичларига мунтазам равишда тузатишлар киритилади, Жамият фаолиятида юз бераётган ўзгаришларни узлуксиз назорат қилиш ҳамда баҳолаш натижалари асосида режани бажариш бўйича чора-тадбирлар тизими қайта кўриб чиқилади.

Бизнес-режанинг прогноз кўрсаткичлари (1-илова) чораклар кесимида бир йилга тузилади. Режалаштирилган давр учун тасдиқланган мақсадлар, Жамиятнинг бизнес-режаси ва унинг асосида таркибий бўлинмаларнинг келгуси йилга мўлжалланган иш режалари прогноз-кўрсаткичларни тузиш учун асос бўлади.

Кўрсаткичлар баланс усули ёрдамида ишлаб чиқилиб, унинг асосий мақсади молиявий режалаштиришда даромадлар ва харажатлар номутаносиблигини олдини олиш ва энг мақбул вариантни танлаб олишдир.

Прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Даромадлар қисмида суғурта мукофотлар тушумлари, кирувчи қайта

суғурта мукофотлари тушумлари, ўтган йилдан ўтувчи суғурта захиралари, инвестиция фаолиятидан олинган даромадлар, ташувчи бўйича суғурта шерикчилиги(пулдан) олинган даромадлар ва бошқа даромадлар акс эттирилади.

Харажатлар қисмида суғурта хизматларининг таннархи, шу жумладан суғурта товонлари, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасига ажратмалар, техник захиралар, суғурта суғурта шерикчилиги (пул) харажатлари, иш юритиш харажатлари ва бошқа харажатлар акс эттирилади.

Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлар прогнози қуйида келтирилган:

1. Суғурта мукофотлари тушумларини – 2025 йилда амалда таъминланган суғурта тушумига нисбатан 32 % ўсиш билан 623,7 млрд. сўм миқдорида режалаштирилган. Ушбу ўсиш суръатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли қарори да кўзда тутилган.

Суғурта мукофотлари ҳажми:

- мажбурий суғурта турлари бўйича – 51,9 млрд. сўм;
- ихтиёрий суғурта турлари бўйича– 227,8 млрд. сўм;
- қайта суғурта турлари бўйича – 344,1 млрд. сўмни ташкил этади.

2. Кўрсатилган суғурта хизматларининг таннархи - 141,1 млрд. сўм (ўсиш 137%),

шу жумладан:

2.1. Иш юритиш харажатлари - 47,5 млрд. сўм (ўсиш 133%).

2.2. Суғурта товонлари ҳажми - 93,6 млрд. сўм (ўсиш 139%).

3. Суғурта жавобгарлигининг ҳажми – 176,9 трлн. сўм (ўсиш 20%).

4. Давр харажатлари - 158,9 млрд. сўм (ўсиш 15%).

5. Молиявий ва асосий фаолиятнинг бошқа йўналишларидан 18,2 млрд. сўм миқдорида даромад олиш режалаштирилмоқда.

6. Юқоридаги кўрсаткичларни бажариш мақсадида 280 минг дона шартнома имзолаш кўзда тутилган.

7. Ушбу тадбирларни амалга оширилиши натижасида 35,7 миллиард сўм миқдорида соф фойда олиниши режалаштирилмоқда.

Суғурта қонунчилиги талабларига мувофиқ 2026 йилда Жамият томонидан қуйидаги техник захираларини шакллантириш давом эттирилади:

- Ишлаб топилмаган суғурта мукофотлари захираси (ИМЗ) ;
- Содир бўлган, лекин, хабар қилинмаган зарарлар захираси (СХЗЗ);
- Хабар қилинган зарарлар захираси (ХЗЗ);
- Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича барқарорлаштириш захираси (ТВЭФЖМС БЗ);
- Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси

бўйича барқарорлаштириш захираси (ИФЖМС БЗ);

- Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича барқарорлаштириш захираси (ТФЖМС БЗ).

Биринчи ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган суғурта мукофотлари захираси «pro rata temporis» усулида ҳисобланади. Иккинчи ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган суғурта мукофотлари захираси ҳар бир суғурта шартномаси бўйича базавий суғурта мукофотлари миқдорида шартномани амал қилиш муддати тўлиқ тугагунга қадар аниқланади. Тўртинчи ҳисоб гуруҳи бўйича ишлаб топилмаган суғурта мукофотлари захираси суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тўлиқ тугагунга қадар базавий суғурта мукофотининг 75 фоизи миқдорида ҳар бир шартнома бўйича аниқланади.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси бўйича барқарорлаштириш захираси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган ва 2013 йил 8 февралда Адлия вазирлигидан 1882-3 сон билан рўйхатдан ўтказилган “Суғурта захиралари тўғрисида”ги Низомга киритилган ўзгатиришлар ва қўшимчаларга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги қонунига мувофиқ шакллантирилади. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномалари бўйича ҳисобот кунидан 36 ой олдин амалга оширилган суғурта товонлари миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда шакллантирилади.

Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ҳар бир суғурта тури учун алоҳида, лекин ҳар бир шартнома учун базавий суғурта мукофоти миқдорининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳисобланади.

Жамиятнинг суғурта портфели тизимда жорий қилинган “Uzagros_online” ягона ахборот электрон тизимида юритилиб, суғурта захираларини ҳисоблаш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган ва келгусида ушбу дастурий таъминот доимий равишда такомиллаштирилиб, янги модуллар билан тўлдирилади.

Барча турлари бўйича тўланадиган суғурта товонининг ҳисоб-китоби уч йил давомида амалга оширилган суғурта товонлари динамикаси асосида аниқланади.

Аҳоли мол-мулкани ва шахсий суғурта турларини ривожлантириш "Ўзагросуғурта" АЖнинг устувор вазифаларидан бири деб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 4412-сонли қарорида белгиланган асосий вазифалар ва йўналишлар ижросини таъминлаш бўйича аҳоли қамровини ошириш, кенг қамровли суғурта хизматларини тақдим этиш мақсадида янги суғурта маҳсулотлари ишлаб чиқилади ҳамда потенциал суғурта қилдирувчиларнинг қизиқишини ошириш учун суғурта тарифлари мувофиқлаштирилади. Тариф ставкаларининг қулайлиги тўғридан-тўғри суғурта қилдирувчилар сони ва суғурталанган объектлар сонига боғлиқ бўлиб, суғурта қилдирувчилар сони ва суғурталанган объектлар сони қанча кўп бўлса,

суғурта тарифи шунча паст бўлади.

Бундан ташқари, "Ўзагросуғурта" АЖ йирик компаниялар томонидан тақдим этиладиган таваккалчиликларнинг айрим турларини суғурталаш бўйича суғурталовчилар ўртасидаги танловларда(тендерда) иштирок этади.

Молиявий кўрсаткичлар прогнози қуйидаги сабабларга кўра ўзгарувчан деб ҳисобланади:

- ташувчининг фукаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича таъминладиган суғурта мукофотлари ҳажмини юқори эҳтимоллик билан режалаштиришни имкони йўқ, чунки ТФЖМС бўйича суғурта шерикчилиги (пули) яратилиши ва суғурта мукофотлари ҳажмининг ошиши шерикчиликда(пулда) қатнашадиган бошқа суғурта компаниялари фаолиятига боғлиқдир;

- Жамият инвестиция портфелини рентабеллик даражасини ошириш мақсадида самарасиз қимматли қоғозларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда сотувга чиқарилиш ва уларни реализация қилиш ҳолатига боғлиқ;

- тижорат банклари томонидан ажратиладиган имтиёзли кредитларни қайтарилмаслик хавфини суғурталашда таъминладиган суғурта мукофотлари миқдорини юқори эҳтимоллик билан режалаштиришни имкони йўқ, чунки банклар томонидан имтиёзли кредитларни ажратиш тартиби бўйича банклар кредитларни қайтариши бўйича суғурталашга мажбур эмасдилар;

- ипотека кредитларни суғурталаш бўйича суғурта мукофотлари ҳажми банклар томонидан ипотека кредитлар ажратилиши билан боғлиқдир;

- воситачилик харажатлари қонунчиликда белгиланган миқдордан ошмаган ҳолда белгиланиб, суғурта мукофотлари ҳажмига ва (суғурта бозоридаги) рақобатни ривожланиш даражасига боғлиқдир;

- иш юритиш харажатлари миқдори суғурта мукофотлари тушумига мутаносибдир;

- суғурта товонлари ҳажми кўплаб омилларга боғлиқдир, хусусан, об-ҳаво шароити, ҳайвонларнинг юқумли касалликлари, экинлар касалликлари ва бошқалар.

"Ўзагросуғурта" АЖ харажатлар бўйича прогноз кўрсаткичларини тартибга солиш имкониятига эга. Режадаги фойдани олиш учун харажатлар бўйича прогноз кўрсаткичлари ҳам моддалар ўртасида ҳамда умуман олганда, харажатларнинг умумий миқдори бўйича ўзгартирилиши мумкин. Режалаштирилган суғурта мукофотларига нисбатан умумий тушум ва олинadиган фойда миқдорини ҳисобга олган ҳолда ҳам суғурта турлари бўйича ҳам чораклар кесимида ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, 2026 йил "Ўзагросуғурта" АЖ фаолиятини трансформация қилиш учун муҳим таянч нуқтасига айланади, бу эса Жамиятнинг 2026 йилда Бизнес-режани амалга оширилишини таъминлаш билан бирга мамлакат суғурта бозорида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш учун замин яратади, шунингдек халқаро суғурта бозорида иштирок этишга кенг йўл очади.

**Жамиятнинг 2025-2026 йиллар учун асосий прогноз кўрсаткичлари юзасидан
ТАҚҚОСЛАШ ЖАДВАЛИ**

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2025 йил (режа)	2025 йил (кутилаётган)	2026 йил (прогноз)	2025йилга нисбатан ўзгариши (фоизда)
Суғурта мукофотлари ҳажми	млрд.сўм	595,0	470,8	623,8	132
Суғурта таннари, <i>шу жумладан:</i>	млрд.сўм	148,8	59,6	141,1	237
– суғурта тўловлари	млрд.сўм	89,3	39,2	93,6	239
– ишлаб чиқариш харажатлари	млрд.сўм	59,5	20,3	47,5	233
Суғурта жавобгарлиги	трлн.сўм	266,4	147,4	176,9	120
Давр харажатлари	млрд.сўм	160,3	138,6	158,9	115
Соф фойда (зарар)	млрд.сўм	34,1	34,2	35,7	105

**Жамиятнинг 2026 йил учун мўлжалланган бизнес-режасининг
прогноз кўрсаткичлари**

млрд.сўм

Кўрсаткичлар	1-чорак	1-ярим йиллик	9 ойлик	Йил
Суғурта мукофотлари ҳажми	124,8	293,2	436,6	623,8
Қайта суғуртага бериладиган мукофотлар	51,7	116,2	180,8	250,0
Суғурта захираларининг ўзгариши	5,2	22,8	25,6	50,2
Суғурта хизматлари таннари	65,0	90,6	112,8	141,0
Давр харажатлари	37,9	78,1	116,1	158,8
Молиявий ва асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	4,1	8,5	13,3	18,2
Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)	-31,0	-6,0	14,6	42,0
Соф фойда (зарар)	-31,0	-6,0	12,4	35,7